

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

УЛУГОВА САФАРГУЛ ФАЙЗУЛЛАЕВНА

**ДОРИВОР МАВРАК (*SALVIA OFFICINALIS* L.)НИ ТУРЛИ ТУПРОҚ-
ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.03 – Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва
агрофармэкологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation agricultural
sciences**

Улугова Сафаргул Файзуллаевна

Доривор маврак (*Salvia officinalis* L.)ни турли тупроқ–иклим шароитларида
етиштириш агротехнологияси.....3

Улугова Сафаргул Файзуллаевна

Агротехнология выращивания шалфея лекарственного (*Salvia officinalis* L.) в
различных почвенно–климатических условиях.....21

Ulugova Safargul Fayzullaevna

Agricultural technology of cultivation of medicinal sage (*Salvia officinalis* L.) in
various soil and climatic conditions39

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

УЛУГОВА САФАРГУЛ ФАЙЗУЛЛАЕВНА

**ДОРИВОР МАВРАК (*SALVIA OFFICINALIS* L.)НИ ТУРЛИ ТУПРОҚ–
ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.03 – Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва
агрофармэкологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx599 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.andqhai.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рузметов Умид Исмаилович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар: Тухтаев Бобоқул Ёрқулович,
биология фанлари доктори, профессор.
Миршарипова Гулжаҳон Камаловна,
қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот: Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашининг «16» 02 2022 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси Олийгоҳ кўчаси 1-уй. АҚХАИ. Тел.: (99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; e-mail: agai_info@edu.uz. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 18 рақами билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 170600, Андижон вилояти Андижон тумани, Куйганёр ш.ф.й., Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. АҚХАИ. Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99874) 373-10-54).

Диссертация автореферати 2022 йил «13» 02 да тарқатилди.

(2022 йил «13 02» даги 18 рақамли реестр баённомаси)




А.Исаилов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор.


Ф.Д.Рахматуллаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д.


К.С.Комилов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.н., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда табиий шароитда ўсадиган ўсимликларнинг сони 374 мингдан ортиқ турни ташкил қилади¹. Шулардан 1200 га яқин турларини доривор сифатида фармокологик ва биокимёвий хусусиятлари ўрганилган. “Дунё миқёсида доривор ва зиравор ўсимликлар маданий ҳолда катта майдонларда етиштирилади. Жумладан, Венгрия (34– 40 минг. га), Польша (30 минг. га), Франция (25 минг. га), Испания (19 минг. га), Германия (5,7 минг. га), Австрия (4,3 минг. га), Хитой (460 минг. га) ҳамда Ҳиндистон (300 минг. га) каби давлатлар бу борада етакчи ҳисобланади”². Америка, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея доривор ўсимликлар хом ашёларини экспорт қилиш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Доривор ўсимликларни етиштириш, мавжуд генофондни сақлаш, бойитиш, табиий заҳираларини тиклаш ҳамда маданий ҳолда кўпайтириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб, табиий препаратларни кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда халқ табobati ва замонавий тиббиётда доривор ўсимликлар кенг қўлланилмоқда. Аҳолини дори–дармон маҳсулотлари билан таъминлаш, дунё давлатларида табиий дори маҳсулотларига бўлган талабнинг ниҳоятда ортиб бориши доривор ва зиравор ўсимликларга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Сўнгги йиллари дунёда доривор маврак ўсимлигининг барги хом ашёсини тайёрловчи етакчи мамлакатлар тупроқ шароитида, уруғидан экиш меъёри, етиштириш агротехнологияларининг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобига барг ҳосилдорлигини ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Доривор мавракнинг барг ҳосилдорлигини ошириш учун зарур минерал ўғитларни қўллаш натижасида мавракни ривожланишини жадаллаштириш, етиштириш ва кўпайтириш, дори тайёрлашга бўлган талабни қондириш борасида илмий–тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон худудида 4400 га яқин ёввойи ўсимликлар учрайди. Шулардан 1200 га яқин турлари дориворлик хусусиятига эга, уларнинг 110 дан зиёд турлари биокимёвий ва фармокологик нуқтаи назардан ўрганилган. Мамлакатимизда ҳам табиий доривор ўсимлик хом ашёсини етиштириш ҳажмини ошириш, сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш жуда долзарб ҳисобланади. “Республикамизнинг Ўрмон фонди ерларида эса 2018 йилда 1962 гектар майдонда 45 турдаги доривор ўсимликларнинг 4454 тонна хом ашёси тайёрланган бўлса, 2021 йилда 64 турдаги доривор ўсимликларни 4000 гектар майдонда маданий плантациялари барпо этилган ҳамда 7000 тонна хом ашё тайёрланган”³. Шу билан бирга 2022 йилда яна қўшимча 4984 гектар майдонда, 8555 тонна хом ашё тайёрлаш режалаштирилган. Ўзбекистонда ҳозирда етиштирилаётган доривор маврак барг хом ашёсига бўлган талаб тиббиёт ва табobat соҳасида ҳамда маҳаллий дори–дармон саноатининг доривор

¹ www.floruz.uz

²Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, доривор ва зиравор ўсимликларни етиштирувчи ва тайёрловчи мутахассислар учун қўлланма. Тошкент–2020 йил.

³Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази. Тошкент 2021 йил.

ўсимликларга бўлган эҳтиёжи ортиши кузатилмоқда. Ҳозирги вақтгача кўплаб олимлар томонидан республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида доривор ўсимликларни етиштириш, кўпайтириш ҳамда плантацияларини барпо этиш, интродукцияси ва иқлимлаштирилиши борасидаги тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4424-сон “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тўғрисида”ги⁴ қарорлари ва мазкур соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларга мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маврак ўсимлигини кўпайтириш, доривор ўсимликларни етиштириш ва плантацияларида ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш, селекцияси, биокимёвий таркибини ўрганиш бўйича дунёнинг бир қатор давлатларида илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан: хорижий олимлардан Асанов Э.Б, Байкова Е.В, Булушева М.К, Губанова Е.А, Гавшина О.Т, Гуммель И.О, Карасева Т.А, Джамбетова М.У, Кухарева Л.В, Кримда Кузнецов С.А, Рошка Н.Д, Рахимов А.Р, Кау В.Л каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда доривор ўсимликлар интродукцияси бўйича етакчи олимлар И.В. Белолипов, Л. Ёзиев, Б.Ё. Тўхтаев, Ю.М. Мурдахоевлар, шўрланган тупроқларда Б.Ё. Тўхтаев ва алоҳида тур доривор ўсимликларни интродукция шароитида биоэкологик хусусиятларини Х.Қ. Қаршибоев, А.В. Маҳмудовлар илмий изланишлар олиб борган.

Лекин, доривор маврак ўсимлигини турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришда экиш меъёри, муддатлари ва минерал ўғитлар ҳамда суғориш меъёрлари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режалари асосида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сонли “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

институтининг 2019 йил 22 феврал 1–сон баёни билан тасдиқланган “Доривор маврак (*Salvia officinalis* L.)ни турли тупроқ–иклим шароитларида етиштириш агротехнологияси” мавзу режаси доирасида бажарилган (2019–2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади турли тупроқ–иклим шароитларида доривор мавракнинг (*Salvia officinalis* L.) ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш, суғориш ва ўғитлаш меъёри ҳамда муддатларининг дориворлик хусусиятларига таъсирини аниқлаш, сифатли хом ашё етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

–баҳорги ва кузги муддатларда етиштирилган уруғкўчат ва қаламчаларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигини аниқлаш;

–турли тупроқ–иклим шароитларида уруғларни экиш муддатлари, меъёрлари ва экиш усуллари, мавракнинг ўсиши ва ривожланишига ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

–минерал ўғитлар билан озиқлантиришда ўғит меъёрларини уларни ривожланиш жадаллиги ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

–маврак кўчатларини етиштиришда суғориш меъёри ва биргаликда қўлланилган агротехнологиянинг маврак ўсимлигини ўсиши ва ривожланишига ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

–маврак кўчатлари турли органларида асосий озиқа элементларнинг (NPK) миқдорини ва уларнинг кўчатлари орқали чиқиб кетишини аниқлаш;

–маврак кўчатларига қўлланилган минерал ўғитларнинг фитокимёвий таркибига таъсирини аниқлаш;

–доривор маврак кўчатларига қўлланилган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оч тусли бўз тупроқлар, типик бўз тупроқлар ва тўқ тусли бўз тупроқларидаги доривор маврак (*Salvia officinalis* L.) ўсимлиги олинган.

Тадқиқотлар предмети доривор маврак ўсимлигини турли тупроқ–иклим шароитидаги ўсиши ва ривожланишидаги хом ашёси, уруғлари, уларни экиш муддатлари, меъёрлари ва усуллари, суғориш меъёрлари, минерал ўғитларнинг турли хил меъёрлари ва нисбатлари ҳамда қаламчаларига гетероауксин қўлланилганда ўсимликнинг дориворлик хусусиятларига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишларини бажаришда дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатув, биометрик ўлчашлар, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олишда Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасидан, тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлил қилишда “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований почв Средней Азии” қўлланмасидан, ўсимликларнинг мавсумий ривожланиш маромини ўрганишда И.Н. Бейдеман “Методика изучения фенологии растений” усулидан, олинган натижаларга вариацион–статистик ишлов бериш "Statistik–7" дастури бўйича, биометрик ҳисоб–китобларда Г.Н.Зайцевнинг “Методика биометрических расчетов” услубига асосан бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

–илк бор доривор маврак ўсимлигининг турли экиш муддатлари ва меъёрларида, уруғкўчат ҳамда қаламчалардан етиштиришда оч тусли бўз тупроқлар шароитида минерал ўғитлар меъёри $N_{90}P_{60}K_{40}$ кг/га қўлланилиб, суғоришлар (ЧДНС)га нисбатан 70–80% ли тартибда ўтказилганда, мавсум давомида 10 мартаба амалга оширилганда, ўсимликни барг сони 4525 дона, барг сатҳи $17,5 \text{ см}^2$, барг ҳосилдорлиги 14260 кг/га, гул ҳосили 1973 кг/га бўлганлиги аниқланган;

–типик бўз тупроқлар шароитида минерал ўғитлар меъёри $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га қўлланилиб, суғоришлар (ЧДНС)га нисбатан 60–70% ли тартибда ўтказилиб, мавсумда 8 мартаба амалга оширилди, ўсимликнинг барг сони 5204 дона, барг сатҳи $20,3 \text{ см}^2$, барг ҳосилдорлиги 18556 кг/га, гул ҳосили 3562 кг/га бўлганлиги аниқланган;

–тўқ тусли бўз тупроқлар шароитида минерал ўғитлар меъёри $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га қўлланилиб, суғоришлар (ЧДНС)га нисбатан 50–60 фоизли тартибда ўтказилиб, мавсумда 6 мартаба амалга ошириш натижасида, ўсимликнинг барг сони 4853 дона, барг сатҳи $19,4 \text{ см}^2$, барг ҳосили 19273 кг/га, гул ҳосили 3604 кг/га бўлганлиги исботланган;

–маврак ўсимлигини етиштиришда минерал ўғитлардан фойдаланишнинг мақбул меъёри ($N_{60}P_{60}K_{40}$, $N_{90}P_{60}K_{40}$ кг/га) барг чиқарганда, ғунчалаш ва гуллаш даврларида қўлланилганда маврак баргидаги эфир мойлари меъёрий миқдори 1,33–1,44% бўлганлиги аниқланган;

–доривор маврак ўсимлиги барг ва гули таркибида флавоноидлар миқдори мг/100г (баргда– рутин 11,70–26,73; норвагенин 0,48–0,82; гиперазид 0,67–1,50; галл кислота 44,28–50,67), (гулда– рутин 9,61–11,17; норвагенин 0,32–0,51; гиперазид 0,91–0,99; галл кислота 45,51–58,52) борлиги ҳамда баргда РР, С, В₂, В₁₂; гулида В₂, В₁₂ витаминлар, қирқдан ошиқ макро ва микро элементлар, уруғ таркибидаги ёғ миқдори 14,1% га аниқланган;

–маврак етиштиришда биргаликда қўлланилган агротехнологияларининг иқтисодий самарадорлиги оч тусли бўз тупроқларда рентабеллик назоратга нисбатан барг 51%, гул 40%, уруғ 72%; типик бўз тупроқларда барг 60%, гул 70%, уруғ 68%; тўқ тусли бўз тупроқларда барг 63%, гул 68%, уруғ 58 фоизга аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оч тусли бўз тупроқлар шароитида биргаликда қўлланилган агротехнологияда маврак кўчатларига минерал ўғитларнинг $N_{90}P_{60}K_{40}$ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 70–80% қўлланилганда назоратга нисбатан кўчатларни бўйи 128%, тана диаметри 140%, барг хом ашёси 151%, гули 140%, уруғи 172% миқдорда ошишига эришиш мумкинлиги аниқланган;

типик бўз тупроқлар шароитида кўчатларга минерал ўғитларнинг $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 60–70% қўлланилганда назоратга нисбатан кўчатларни бўйи 136%, тана диаметри 159%, барг хом ашёси 160%, гули 170%, уруғи 168 фоизга етиши исботланган;

тўқ тусли бўз тупроқлар шароитида кўчатларга минерал ўғитларни $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 50–60% қўлланилишида назоратга нисбатан кўчатларни бўйи 136%, тана диаметри 168%, барг хом ашёсини 163%, гули 168%, уруғи 158% ошиши аниқланган;

Республикамик шароитида маврак ўсимлиги хом ашёсини етиштириш ҳар гектардан ўртача 605 805 минг сўмга даромад олиш, яъни 158% рентабелликка эришилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган илмий–тадқиқот натижаларини апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий–тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни Ўрмон хўжалиги илмий–тадқиқот институти Илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тадқиқот маълумотлари статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ҳамда олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Халқаро ва Республика илмий–амалий анжуманларида муҳокама қилинганлиги ҳамда илмий журналларда чоп этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маврак кўчатларига қўлланилган энг мақбул минерал ўғит ва суғориш меъёрини назарий асослаб берилганлиги ҳамда уларни қўллаш муддатларининг, кўчатларни турли қисмларидаги асосий озика элементларининг ўзлаштирилиши ва уларни кўчат орқали олиб чиқилиши асосланганлиги ҳамда Давлат Фармакопияси талабларига тўлиқ жавоб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти доривор ўсимликларга ихтисослаштирилган ўрмон хўжаликларида маврак кўчатларидан юқори хом ашё ҳосилдорлигини олишда оч тусли бўз тупроқлар шароитида минерал ўғитларни $N_{90}P_{60}K_{40}$ кг/га, суғориш тартибини ЧДНСга нисбатан 70–80% меъёрлари, типик бўз тупроқлар шароитида кўчатларга $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 60–70%, тўқ тусли бўз тупроқлар шароитида кўчатларга $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га, суғориш тартибини ЧДНСга нисбатан 50–60% меъёрларини қўллаш ишлаб чиқилганлиги ҳамда эфир мойлари миқдори 1,33–1,44% юқори бўлиши, маврак барги ва гули таркибидаги флавоноидлар, витаминлар, макро ва микро элементлар, уруғнинг ёғ миқдори 14,1% ҳамда қирқдан ошиқ элементлар борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Маврак кўчатларига қўлланилган ўғит ва сув меъёрларига таъсирини аниқлаш бўйича турли тупроқ–иқлим шароитларида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

–доривор маврак ўсимлигини етиштиришда минерал ўғитларнинг $N_{90}P_{60}K_{40}$ кг/га, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 70–80% меъёрлари Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида 2,5 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 16 мартдаги 03/21–1418–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида маврак ўсимлиги барги хом ашёси ҳосилдорлиги 1,5 баробарга ошган ва олинган даромад 497 200 минг сўм/га ни ташкил этган;

–маврак ўсимлиги кўчатларини етиштиришда минерал ўғитларни $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 60–70% меъёрлари Ботаника боғи тажриба майдони шароитида 0,025 гектарда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 4/1255–3650–сон маълумотномаси). Натижада барг хом ашё ҳосилдорлигини 1,6 баробарга ва олинган даромад 647 560 минг сўм/га тенг бўлган;

–маврак кўчатларига минерал ўғитларнинг $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га, суғориш тартибини ЧДНСга нисбатан 50–60% меъёрлари Тошкент вилояти, Саксонота давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси “Чотқол” бўлимида 1,5 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг 2022 йил 16 мартдаги 03/21–1418–сонли маълумотномаси). Натижада барг хом ашёси ҳосилдорлигини 1,6 баробарга оширган ва олинган даромад 672 655 минг сўм/га ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ЎХИТИнинг Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган, ҳамда 2 та Халқаро ва 6 та Республика илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий ишлар чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, хорижий журналларда 4 та, республика илмий–амалий анжуманларида 4 та, хорижий илмий–амалий анжуманда 1 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Доривор ўсимликларни етиштиришнинг илмий асослари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, маврак ўсимлигининг биоэкологик хусусиятлари ва халқ хўжалигида тутган ўрни, кўчатларини етиштиришда минерал ўғитларни қўллаш тажрибаси таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот дастури, шароити ва услуби**» деб номланган бобида кутилган натижага эришиш учун бажарилиши лозим бўлган

тадқиқот ишларининг дастури ва услуби баён этилган. Дастурда белгиланган масалалар дала тажрибалари ва лаборатория таҳлили орқали ўрганилди. Дала тажрибалари Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар, Тошкент шаҳрининг типик бўз тупроқлари, Тошкент вилояти тўқ тусли бўз тупроқлари кесимида, тупроқ ва ўсимликлар таркибининг таҳлили Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг ўрмон тупроқшунослиги ва агрокимё, доривор ўсимликлар дехқончилиги ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг агрокимё, фитокимёвий таҳлиллар эса Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази ва Биоорганик кимё институтининг лабораторияларида ўтказилди. Дала тажрибалари маълумотлари Б.А. Доспехов услуби асосида таҳлил қилинди. Тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлили «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований почв Средней Азии» қўлланмаси бўйича бажарилди. Ўсимликларнинг мавсумий ривожланиш маромини ўрганишда И.Н. Бейдеман усулидан фойдаланилди. Маврак барги ва гули таркибидаги флавоноид ва витамин миқдорини юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усули бўйича, макро ва микро элементлар миқдори индуктив боғланган плазма масса спектрометрияси (ИСП-МС) усули бўйича бажарилди. Олинган натижаларга вариацион-статистик ишлов бериш "Statistik-7" дастури, биометрик ҳисоб-китоблар Г.Н.Зайцев услуби бўйича, суғориш меъёрлари тупроқнинг намлиги 0-45 см қатламларда А.Н. Костяковнинг ҳисоб-китоб ишлари бўйича амалга оширилди.

Мавракни доривор ўсимлик сифатида ўрганиш, маданийлаштириш, тарқалиши ва биоэкологик хусусиятларининг назарий асослари чоп этилган илмий мақолалар, илмий адабиётлар, ҳисоботлар ва бошқа илмий манбаалар асосида ўрганилди ва таҳлил этилди. Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитларига тавсиф бериш учун Ўзгидромет "Тошкент обсерватория" метеостанциясининг маълумотларидан фойдаланилди. Маврак ўсимлигининг фенологик фазаларга ўтиши ўрганилди.

Тадқиқот дастурида ўтказиладиган ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитлари, баҳорги ва кузги уруғларни экиш, ўғитлаш, суғориш муддати ва меъёрлари бўйича тажрибалар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, уларни ўтказиш услуби баён этилган.

Сирдарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари 0-55 см қатламида 0,65-0,80% чиринди; 0,057-0,085% азот ва 0,106-0,125% фосфор; 0,490% калийга эга. Бу тупроқларда ўзлаштирилган озика моддалар элементлари миқдори кам. Нитратнинг миқдори 87,1-72,5 мг/кг ва ўзлаштириладиган фосфор 7,53-8,44 мг/кг. Бу тупроқлар азот ва фосфор билан таъминланмаган тупроқлардир. Тошкент типик бўз тупроқлари ҳайдалма қатламида гумуснинг миқдори 1,15-1,22%, азот 0,09-0,11%, фосфор 0,13-0,14%, калий миқдори 1,30-1,32% га тенг. Бу тупроқлар гумус, азот ва фосфор билан кўпроқ таъминланган тупроқлардир. Тошкент вилояти тўқ тусли бўз тупроқлари 0-40 см қатламда 1,65-2,30% чиринди, 0,185-0,160% азот ва 0,160-0,165% фосфорга эга. Бу тупроқларда ўзлаштирилган озика моддалар элементлари миқдори кам. Нитратнинг миқдори

6,5–11,0 мг/кг ва ўзлаштириладиган фосфор 9,5–22,4 мг/кг. Бу тупроқлар гумус билан юқори, азот, фосфор ва калий билан кўпроқ таъминланган тупроқлардир.

Озиқлантириш пайтида маврак ўсимлигига қуйидаги ўғит турлари қўлланилди: карбамид (44,5%), аммофос (48%) ва калий тузи (44%). Ўғитлар таъсир қилувчи модда миқдорида кг/га ҳисобида берилди.

Маврак уруғкўчат ва қаламчаларига минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш схемаси қуйидагича:

а) N–30, 60 ва 90 кг/га. Улардан 30 кг/га ўсимлик барг чиқарганда, қолгани эса вегетация даврида ғунчалаш ва гуллаш даврида уч марта озиқлантириш пайтида берилди.

б) P₂O₅–60 кг/га. Улардан 30 кг/га барг чиқарганда, қолганлари вегетация даврида 2– озиқлантиришда берилди.

в) K–40 кг/га. Калий ўғитлар 20 кг/га барг чиқарганда, қолган 20 кг/га ғунчалаш даврида берилди.

Диссертациянинг «**Доривор маврак биоэкологияси, фитокимёвий миқдор кўрсаткичлари**» деб номланган бобида маврак биоэкологияси, географик тарқалиши, маврак ўсимлиги қисмларидаги озиқа элементлар ҳамда фитокимёвий миқдор кўрсаткичлари таҳлиллари келтириб ўтилган.

Тупроқдаги озиқа моддалари миқдори ва уларнинг ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши аниқланди. Бунда, таҳлил натижаларига кўра, маврак уруғкўчатларига N₉₀P₆₀K₄₀ қўлланилган вариантда, яъни барг, поя ва илдиздаги азот миқдори 0,328; 0,587; 0,645%, фосфор 0,637; 0,532; 0,463%, калийда 2,06; 1,12; 0,73 фоизга тенг бўлди. Етиштирилган қаламчаларда азот миқдори 0,852; 0,587; 0,452%, фосфор 0,837; 0,562; 0,564%, калий 3,06; 1,32; 0,93 фоизга тенг бўлди.

Доривор мавракнинг баргидаги эфир мойлари меъёрий миқдор 0,8% бўлса, тажрибада 1,44 фоизгача тенг бўлди, демак ўстирилган доривор маврак баргидаги эфир мойларининг миқдори юқори бўлиб, Давлат Фармакопияси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Доривор маврак ўсимлигининг барги ва гули таркибида флавоноидлар, витаминлар, макро ва микро элементлар миқдорлари, уруғидаги ёғ миқдори ва 40 дан ортиқ элементлар борлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Иссиқхона ва дала шароитида доривор маврак уруғларини экиш, кўчатларини етиштиришда мақбул ўғитлаш, суғоришнинг меъёри ва муддатларини ишлаб чиқиш технологияси**» деб номланган бобида мавракнинг ўз илдизига эга қаламчаларини иссиқхона шароитида гетероауксиннинг турли хил меъёрлари ичидан танлаб олинган мақбул 200 мг/л вариантларда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, бўйи ва поя диаметри назоратга нисбатан 140–144 фоизга оширди.

Очиқ дала шароитларида маврак ўсимлиги уруғларнинг мақбул экиш муддати ва меъёрларини аниқлаш мақсадида (баҳор ва куз) ойларида олиб борилди. Тадқиқот натижаларига кўра, уруғ 6, 8, 10 кг/га миқдорда экилиб, уруғ унувчанлигининг ҳудудлар бўйича мақбул меъёри уч йиллик тадқиқот натижарига кўра 8 кг/га деб топилди. Чунки, 6, 10 кг/га миқдорда қўлланилганга нисбатан 8 кг/га экилганда сершоҳ бўлиши, баргларнинг сони ва барг сатҳининг ошиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Масалан, очиқ

далада уруғларнинг униб чиқиши оч тусли бўз тупроқларда баҳорда 73,6%, кузда 70,6%; типик бўз тупроқларда эса баҳорда 90,8%, кузда 77,8%; тўқ тусли бўз тупроқлар шароитида баҳорда 86,2%, кузда эса 78,0 фоизни ташкил қилди (1–жадвал).

1–жадвал

Маврак уруғининг экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўртача униб чиқиш кўрсаткичлари, %

Худудлар	Экиш муддати	Экиш меъёри			Униб чиқиши, ўртача
		0,6 г/м ²	0,8 г/м ²	1,0 г/м ²	
Сирдарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари	Баҳор	72,3	74,4	74,1	73,6
	Куз	69,6	71,3	71,0	70,6
Тошкент шаҳри типик бўз тупроқлари	Баҳор	90,5	91,8	90,3	90,8
	Куз	76,4	78,9	78,2	77,8
Тошкент вилояти тўқ тусли бўз тупроқлари	Баҳор	82,4	88,7	87,6	86,2
	Куз	77,3	78,5	78,2	78,0

Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари, Тошкент шаҳри типик бўз тупроқлари ҳамда Тошкент вилояти тўқ тусли бўз тупроқларида маврак ўсимлигини очик дала шароитида етиштириш бўйича маълумотлар 2–жадвалда келтирилган.

2–жадвал

Худудлар кесимида маврак ўсимлигини очик дала шароитида етиштириш схемаси (2019 йил)

Тажриба ўтказилган ҳудуд	Экиш муддати	Уруғ меъёри	Экиш схемаси	Уруғ экиш муддати	Уруғларни униб чиқиш муддати	Униб чиқиши,% ҳисобида
Сирдарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари	Баҳор	8 кг/га	60x20 см	апрел ойи I–декадаси	23–25 кун	70–75
	Куз			ноябр ойи II–декадаси	45–48 кун	65–70
Тошкент шаҳри типик бўз тупроқлари	Баҳор	8 кг/га	60x20 см	март ойи III–декадаси	20–22 кун	80–85
	Куз			ноябр ойи II–декадаси	40–45 кун	70–75
Тошкент вилояти тўқ тусли бўз тупроқлари	Баҳор	8 кг/га	60x20 см	апрел ойи III–декадаси	25–27 кун	78–83
	Куз			октябр ойи I–декадаси	48–50 кун	70–73

Изох: Кеч кузда экилган уруғларнинг униб чиқиши 40–50 кунни ташкил қилиб, 7–10 см майсалигида қишлайди ва эрта баҳордан ўсиши, ривожланиши давом этади

Маврак ўсимлиги уруғкўчат ва етиштирилган қаламчаларига минерал ўғитларни қўллашдаги таъсири ўрганилди. Тупроқни ҳаракатдаги (N–NH₄, N–NO₃ ва P₂O₅) озика элементлари шаклининг таркиби ва уларни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши ва фенологик фазаларга ўтиш босқичлари ўрганиб

борилди. Вегетация даврида 3 мартаба (барг чиқарганда, ғунчалаш ва гуллаш даврида) ҳар бир вариантдан тупроқ намуналари 0–25, 25–50, 50–75 см чуқурликдан олинди, улардаги N, P, K таркибини аниқлаш учун олинди.

3–жадвал

Маврак кўчатларига минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш тажриба схемаси


Вариантлар	Карбамид 44,5%			Аммофос 48%			Калий тузи 44%		
	барг чиқарганда	ғунчалаш даврида	гуллаш даврида	барг чиқарганда	ғунчалаш даврида	гуллаш даврида	барг чиқарганда	ғунчалаш даврида	гуллаш даврида
Назорат (ўғитсиз)	–	–	–	–	–	–	–	–	–
N ₃₀ P ₆₀ K ₄₀	15	15	–	30	30	–	20	20	–
N ₆₀ P ₆₀ K ₄₀	30	15	15	30	30	–	20	20	–
N ₉₀ P ₆₀ K ₄₀	30	30	30	30	30	–	20	20	–

N, P, K таркибини кўпайтириш йўли билан маврак ўсимлигининг турли органларида, уларнинг қуруқ вазни ҳолатида ўсимликнинг озиқа элементига бўлган талаби, уларни кўчатлар орқали чиқиб кетишнинг ўзлаштириши таҳлил қилинди (3–жадвал).

Сирдарё вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида биргаликда қўлланилган агротехнологиянинг маврак ўсимлиги битта намуна туп кўчатларига минерал ўғитлар N₉₀P₆₀K₄₀ кг/га меъёрида қўлланганда, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 70–80% қўллаш назоратга нисбатан барглар сони ва шохланиш сонини 1,5; илдиз узунлигини 1,2; барг сатҳи эса 1,4 баробарга оширди.


Тошкент шаҳри типик бўз тупроқлари шароитида минерал ўғитларнинг N₆₀P₆₀K₄₀ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 60–70% қўллаш назоратда барглар сони бир туп ўсимликда 3450 дона; шохланиш сони 47 дона; илдиз узунлиги 502 см ва ўртача бир дона барг сатҳи 12,8 см² га тенг бўлди. Тавсия қилинадиган технологияда эса бу кўрсаткичлар, яъни барглар сонини 5204 дона; шохланиш сонини 62 дона; илдиз узунлиги 800 см ҳамда ўртача бир дона барг сатҳи 20,3 см² га ошириши аниқланди. Бунда, назоратга нисбатан барг сони 1,5 баробар; шохланиш сони 1,3; илдиз узунлиги 1,5; ўртача бир дона барг сатҳи 1,5 баробарга ошди.

Тошкент вилояти тўқ тусли бўз тупроқлар шароитида эса бу кўрсаткичлар минерал ўғитларнинг N₆₀P₆₀K₄₀ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 50–60% қўллаш назоратга нисбатан барг сонини 1,4; шохланиш сонини 1,2; илдиз узунлигини ва барг сатҳи эса 1,5 баробарга оширишга имкон яратди (1–расм).



1–расм. Ҳудудлар кесимида биргаликда қўлланилган агротехнологияда мавракнинг ўртача битта намуна туп кўчатга таъсири (2020–2021 йй.)

Биргаликда қўлланилган агротехнология бўйича оч тусли бўз тупроқлар шароитида икки йил тадқиқотлар олиб борилиб, иккита агротехник тадбирлар амалга оширилди. Бунда, маврак кўчатларининг биометрик кўрсаткичлари таҳлил этилиб, олинган натижаларига кўра, назоратда 40–50% ЧДНС да қўлланилганда кўчатларнинг бўйи 50,8 см, тана диаметри 6,8 миллиметрни ташкил қилди. Тавсия қилинадиган технологияда минерал ўғитларнинг N₉₀P₆₀K₄₀ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 70–80% қўлланганда эса кўчатларнинг бўйи 65,3 см, тана диаметри 9,6 мм юқори бўлганлиги кузатилди.




2–расм. Ҳудудлар кесимида биргаликда қўлланилган агротехнологияда маврак кўчатларининг бўйи ва тана диаметрининг биометрик кўрсаткичлари

Типик бўз тупроқлар шароитида минерал ўғитларнинг N₆₀P₆₀K₄₀ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 60–70% да қўлланганда мавракнинг бўйига ўсиши оддий технологияда 66,4 см, поя диаметри 11,7 мм;


тавсия қилинаётган технологияда эса 90,5 см, поя диаметри 18,6 миллиметрга ошганлиги кузатилди. Назоратга нисбатан кўчатнинг бўйи ва поя диаметрини 1,5 баробарга оширди.

Тўқ тусли бўз тупроқлар шароитида эса назоратда 40–50% ЧДНСда қўлланганда кўчатларнинг бўйини 62,5 см, тана диаметрини 10,4 мм; тавсия қилинадиган технологияда минерал ўғитларнинг $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 50–60% намликда ушлаб турилганда кўчатларнинг бўйи 85,4 см, диаметри 17,5 миллиметр бўлди (2–расм).


Ҳосилдорлик кўрсаткичлари оч тусли бўз тупроқлар шароитига кўра, назоратда 40–50% ЧДНСда мавракнинг барг хом ашёси куруқ массасини 9405 кг/га, гулини 1412 кг/га, уруғини 1263 кг/га ошишига эришилди. Тавсия қилинадиган технологияда минерал ўғитларнинг $N_{90}P_{60}K_{40}$ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 70–80% қўлланилганда барги 14260 кг/га, гули 1973кг/га, уруғи 1987 кг/га тенг бўлди (3–расм).



3–расм. Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида биргаликда қўлланилган агротехнологиянинг маврак кўчатларининг барг, гул хом ашёси ҳамда уруғ ҳосилдорлигига таъсири, кг/га



4–расм. Тошкент шаҳрининг типик бўз тупроқлари шароитида биргаликда қўлланилган агротехнологиянинг маврак кўчатларини барг, гул хом ашёси ҳамда уруғ ҳосилдорлигига таъсири, кг/га



5–расм. Тошкент вилоятининг тўқ тусли бўз тупроқлари шароитида биргаликда қўлланилган агротехнологиянинг маврак кўчатларини барг, гул хом ашёси ҳамда уруғ ҳосилдорлигига таъсири, кг/га

Типик бўз тупроқлар шароитида биргаликда қўлланилган агротехнология маврак ўсимлиги ҳосилдорлик кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Олинган натижаларга кўра, ҳосилдорлик оддий технологияда барг хом ашёсининг куруқ массаси 11604 кг/га, гул 2115 кг/га, уруғ ҳосилдорлиги 1284 кг/га; тавсия қилинаётган технологияда минерал ўғитларнинг $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 60–70% қўлланилганда барг 18556 кг/га, гул 3562, уруғ 2153 кг/га бўлди (4–расм).

Тўқ тусли бўз тупроқлар шароитида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳосилдорлик оддий технологияда барг хом ашёси куруқ массаси 11782 кг/га, гул 2162 кг/га, уруғ ҳосилдорлиги 1278 кг/га; тавсия қилинаётган технологияда минерал ўғитларнинг $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га меъёри, суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 50–60% қўлланилганда барг 19273 кг/га, гул 3604 кг/га, уруғ 2173 кг/га ошди (5–расм).

Диссертациянинг «Доривор маврак ўсимлигини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги» номли бобида доривор мавракни (1га) уруғкўчат ва қаламчаларидан етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоб–технологик карта асосида таҳлил этилган. Маврак экилганидан кейин бир йилдан кейин даромад келтира бошлаб, қисқа муддатда сарфланган харажатларни қоплайди.

Оч тусли бўз тупроқлар шароитида биргаликда қўлланилган агротехнологиянинг маврак ўсимлиги барги, гули хом ашёси ҳамда уруғининг харажатлари ва иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинди. Бунда барг хом ашёси назорат вариантда 9405 кг/га; гул 1412 кг/га; уруғ 1263 кг/га ни ташкил қилди. Таклиф қилинаётган агротехникада барг хом ашёси 14260 кг/га; гул 1973 кг/га; уруғ 1987 кг/га ни ташкил қилди. Ҳозирги кунда бир килограмм доривор маврак ўсимлиги барг хом ашёси 35 000 минг сўм; гули хом ашёси 20 000 минг сўм; уруғ нархи ўртача 100 000 минг сўмдан бўлганда, бир гектардан сотилган барг хом ашёсидан келган даромад назоратда 327 625 минг сўм; гули 26 690 минг сўм; уруғ 124 750 минг сўм, таклиф қилинаётган агротехникада барги

